

Иддам чиққанми?

09:37 / 14.03.2019 2847

Ассалому алайкум! Эрим 2018-йилнинг октябрь ойида "Агар шу йилни охиригача келиб сан билан яшамасам талоқсан" деб кетди. Шу билан қайтиб келмади, хабар ҳам олмаяпти. Уйимдагилар бунақа эркак билан яшамайсан, бошқасига узатамиз деб қаттиқ туриб олишган(6 йилдан бери яшашимизни тайини йўқ, эримни бу гапи хаммага ортиқчалик қилди). Мани талоғим қачондан бошлаб тушган? Иддам қачон чиқади (гармональный узгаришлар туфайли хайз кўрмайман). Ёки чиқиб бўлдимми?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! 2019-йилнинг биринчи кунидан иддангиз бошланган. Уч [хайз](#)кўриб покланганингиздан кейин. "гармональный узгаришлар туфайли хайз курмаяпман" деганингиздан "мутлоқ хайздан қолдим, қайтиб умримни охиригача хайз кўролмайман" десангиз биринчи апрелдан иддангиз чиққан бўлади. Йўқ бошқа маъно, "[Хайз](#)им кечикяпти" демоқчи бўлсангиз қачон уч хайз кўриб, покланган кунингиз иддангиз чиққан бўлади. [Валлоҳу аълам!](#)